

# ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДОИМ ЭЪТИБОРДА



**Арофат Ибрагимова,**  
Ўзбекистон Миллий  
кутубхонасининг  
Ўқиш заллари  
хизмати етакчи  
мутахассиси



ар қандай давлатнинг инсонпарварлик сиёсати унинг хотин-қизлар, болалар, кексалар ва ногиронларга кўрсатган эътибори билан баҳоланади. Шунингдек, давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини яхшилашга ва тиббий ёрдамга муҳтож, имконияти чекланганларга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Шунингдек, уларнинг билим олишлари ҳамда ҳунар эгаллаб, иш билан таъминлаш учун кенг имконият ва шароит яратиб бериш бўйича бир қанча амалий ишлар олиб борилмоқда.

Республикаимизнинг барча шаҳар ва туманларида имконияти чекланган фойдаланувчилар учун кўзи ожизлар кутубхоналари фаолият юритади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимида республика, 12 та вилоят ва жами 81 та кўзи ожизлар кутубхонаси мавжуд. Ундан 67 таси шаҳар ва туман кутубхоналари ҳисобланади.

Бу кутубхоналар фондида фан соҳалари ва тиллар бўйича Луи Брайль алифбосидаги адабиётлар билан биргаликда «аудио китоблар», кирилл ва латин ёзувидаги босма адабиётлар, газета ва журналлар мавжуд.

Ахборот-кутубхона фаолиятидаги ислохотлардан кейин Ахборот-кутубхона муассасаларида ҳам фойдаланувчиларга қулай имкониятлар яратиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Миллий кутубхонада ҳам жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчилар учун ихтисослаштирилган ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилди. Кўзи ожиз фойдаланувчиларга мўлжалланган 8 та замонавий компьютерлар бир нечта ўқув залларига жойлаштирилган.

Бунда уларнинг имкониятлари чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда, махсус компьютер қисмлари – клавиатура, принтер, сканерлар ва турли дастурларда ишлай олиш имко-

нини берадиган овозли дастурлар, кўриш қобилияти заиф фойдаланувчиларга мўлжалланган Jaws дастури ва Eles Geste DTBR-101 тифло флеш плеерлар билан жиҳозланган.

Кўриш даражаси заиф фойдаланувчилар Microsoft Word дастурида матн киритиш, матнни овозли дастур ёрдамида қайта текшириш, сақлаш, нусхалаш ишларини амалга ошириш мумкин. Ундан ташқари, матн, расм, дастур элементларини ўзлари кўра оладиган ҳолда, катта ҳажмда ўқишлари ва улар билан ишлаш имкониятлари мавжуд.

Тўла жиҳозланган компьютерлар билан кўзи ожиз фойдаланувчилар Брайль ёзувидаги матнларни латин ёзуви асосидаги ўзбек тилида ёки, аксинча, ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни Брайль ёзувига мослаштирилган махсус принтерлардан чоп этишлари мумкин.

Брайль ёзувидаги бадиий асарларнинг аудио шаклидан фойдаланиш қулай ҳисобланади.

Кўришда нуқсонли бор фойдаланувчиларнинг илмий салоҳияти, саводхонлик даражасини ошириш мақсадида «Санъат гулшани» маданият саройи билан шартнома асосида 500 нусхадаги махсус тифло формат асосида ҳимояланган Mp3 форматдаги аудио ресурслар келтирилган. Шундан 200 таси ўзбек тилидаги бадиий адабиёт наъмуналари дидир.

Аудио ресурслар аудиокиоск (аудиомаълумотларни тарқатувчи мослама)лар ва 8 та махсус компьютерлар хотирасига жойлаштирилган.

Кутубхона мутахассислари томонидан кўзи ожиз фойдаланувчиларнинг эҳтиёж, талаб ва қизиқишлари доимий ўрганиб борилади. Ҳозирги кунда 300 дан зиёд имконияти чекланган фойдаланувчилар Миллий кутубхонадан фойдаланишади.

Имконияти чекланган фойдаланувчилар уч хил тоифага бўлинади: заиф кўрадиган

Бугунги кунда  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Маданият  
вазирлиги  
тизимида  
республика,  
12 та вилоят ва  
бошқа жами 81 та  
кўзи ожизлар  
кутубхонаси  
мавжуд. Ундан  
67 таси шаҳар ва  
туман  
кутубхоналари  
ҳисобланади

ёки кўрмайдиган; аравачалар ёки улар учун мўлжалланган буюм ёрдамида келадиган; яхши эшитмайдиган ёки умуман эшитмайдиган фойдаланувчилардан иборат.

Миллий кутубхонага жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчилардан асосан заиф кўрадиган фойдаланувчилар сони кўп. Улар атроф-муҳитни ўз сезги органлари орқали тассаввур қилади ҳамда кўпгина ҳолларда ўзга инсонларнинг кўмагига муҳтожлик сезади. Кўришда нуқсони бор фойдаланувчилар ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни эшитиш ва сезиш орқали ҳам фарқлай оладилар.

Фойдаланувчилар орасида бемалол, ҳамроҳсиз ташриф буюрадиган инсонлар ҳам бор, албатта. Уларнинг аксарияти таълим муассасалари ўқувчилари бўлиб, академик лицей, коллеж ҳамда олий ўқув юртлиари дарсликларига эҳтиёж сезишади.

Энг кўп сўраладиган бўртма нуқтали – Брайль алифбосидаги нашрларни Республика кўзи ожизлар кутубхонаси фондидан китоб айрбошлаш йўли орқали вақтинча фойдаланиш учун келтирилиб, очиқ фондларга қўйилган. Ушбу китоблар фойдаланувчиларнинг талабларидан келиб чиқиб, янгилари билан алмаштириб турилади.

Ҳозирги кунда Брайль ёзувидаги китоблар жами 74 нусхани ташкил этиб, улардан 66 нусхаси рус тилидаги бадиий ва мусиқага оид 8 нусхаси ўзбек тилидаги бадиий ҳамда компьютер технологияларига оид китоблар ҳисобланади.

Ҳозирги замонавий ахборот технологиялар асрида яратилаётган шароитлар, яъни «аудио китоблар», аудио-видео ресурслар жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчиларга яратилаётган шароитлар туфайли уларнинг кутубхоналарга бўлган интилишлари, билимга бўлган чанқоқликлари кун сайин ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида жис-



моний имконияти чекланган фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблайман:

- кўзи ожиз фойдаланувчиларга махсус зал ёки алоҳида хона ажратиб бериш;

- Миллий кутубхона фондиди бўртма нуқтали нашрларнинг мажбурий нусхасини олиш;

- имконияти чекланган фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўйича МДХ ва жаҳон тажрибаларини ўрганиш ва амалиётга татбиқ қилиш;

- фойдаланувчилар учун компьютерларда ишлаши учун янада қулай дастурлар яратилса иш унуми ва самарадорлиги ошади.

Хулоса қилиб айтганда, кўзи ожиз ва кўриш даражаси заиф бўлган фойдаланувчилар ўз имкониятларини тўла намоён этишида ўзларини замонавий ахборот технологияларини эгаллаган мустақил, эркин шахс сифатида ҳис этиши, келажакка ишончлари янада ортиши, энг муҳими, ўз соҳасининг муносиб мутахассиси бўлиб етишишида ҳамда жамиятимизнинг янада ривожига муносиб ҳисса қўшишида китоблар ва кутубхоналарнинг ўрни муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги кунда Брайль ёзувидаги китоблар жами 74 нусхани ташкил этиб, улардан 66 нусхаси рус тилидаги бадиий ва мусиқага оид 8 нусхаси ўзбек тилидаги бадиий ҳамда компьютер технологияларига оид китоблар ҳисобланади

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун махсус зал ёки алоҳида хона ажратиб бериш, бўртма нуқтали нашрларнинг мажбурий нусхасини олиш, компьютерларда ишлаши учун янада қулай дастурлар яратилса иш унуми янада ошади

### **Арофат Ибрагимова, ведущий специалист Службы читальных залов Национальной библиотеки Узбекистана**

Эта статья информирует о том, что в Национальной библиотеке введена услуга для читателей с ограниченными возможностями. В настоящее время в Национальной библиотеке количество пользователей с ограниченными возможностями увеличивается. В библиотеке предусмотрены все возможности и условия для работы читателей. Коридоры, оснащенные ярким светом и широким пространством оцениваются положительно среди читателей с ограниченными возможностями, читальный зал «Узбекистан» оборудован специальными компьютерами и принтерами для них. Кроме этого имеется литература со шрифтом Брайля, а также аудио ресурсы. На основе сотрудничества с дворцом культуры «Санъат гулшани» в Национальную библиотеку были предоставлены аудио книги, а также книги на шрифте Брайля для читателей с ограниченными возможностями. ■